



# Hurriyat

Mustaqil gazeta

Шавкат МИРЗИЕЕВ:

“Темир интизом” ҳаммамиз учун энг биринчи масала бўлиб қолиши керак. Корхоналар, ташкилотлар, кишлоқ хўжалиги соҳаси ва қурилиш майдонлари, транспорт ва жамоат жойларида ҳам ушбу талабларга қатъий амал қилиш зарур”.

(Президент Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 17 август куни “Карантин талаблари юмшатилиши шахсий масъулиятини ошириши тақозо этади” мавзусида ўтказилган видеоселектор йўлиги асосида коронавирус пандемияси билан боғлиқ масалада айтган гаплардан).

Gazeta 1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan \* Elektron manzil: gzhurriyat@mail.ru \* www.uzhurriyat.uz \* 2020-yil 19-avgust, chorshanba \* № 28 (1192)

## ИНСОНИАТ ҲАЁТИ КИМГА ДАХЛДОР?



... Олимларнинг аниқлашича, Еримизни ўраб турган атмосфера қатламнинг 78 фоизини азот, 21 фоизини эса кислород ва фақат бир фоизини нафас олишимиз учун керак бўлган элементлар ташкил этар экан. Агар ҳаводаги кислороднинг миқдори 21 фоиздан ошиб кетса, у ҳолда Ер юзининг бирор жойида гугурт қақилса ҳам, бутун олам олов ичида қолар экан.

⇒ 3-бет

## ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ ҒАЛВИРДА



Евроњњс дастурларини томоша қилар эканмиз, уловсиз сай-ёҳга айланамиз, бир жойда ўтириб ер шарини кезиб чиқамиз. Журналистларнинг таҳлилига, таҳририга, кадр ортидаги сирли овозига қойил қоламиз.

⇒ 4-бет

## ШОИР ЙЎЛИ



Шоир йўл, қуёш образига қайта-қайта мурожаат қилганидек, болалик тимсолига ҳам такрор-такрор қайтади. Бола билан катта ёшли кишининг ўртасидаги фарқи бадий талқин этади. Инсон ҳис-туйғулари, феъл-атвори, иш-ҳаракати манзараларини чизади, замондошларимиз кайфияти, дарду армонларини тасвирлайди. Юракнинг ич-ичига кириб, сирларни тафтиш қилади, ич-этини еяётган одамнинг изтиробларини очиб ташлайди.

⇒ 5-бет

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

### “ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ”

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, “Ўзбекино” миллий агентлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси мамакатимиз мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган “ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ” анъанавий кўрик-танловини эълон қилади.

Танловга “Сен – қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастури доирасида мамлакатимизни ҳар томонлама обод қилиш, унинг иқтисодий қудратини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ислохотларни, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрўси ошиб бораётгани, пандемия шароитида ҳам давлат ва жамият ҳаётидаги ўзгаришлар изчил давом этаётганини ҳаётий мисоллар ва илмий асосланган таҳлиллар асосида ҳолис ва ҳаққоний ёритувчи ижодий асарлар қабул қилинади.

“Энг улуг, энг азиз” анъанавий кўрик-танлови куйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган веб-сайтлардаги интернет-журналистика материаллари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
- кино санъати асарлари.

Шунингдек, танлов доирасида Мустақиллик декларацияси қабул қилинганнинг ўттиз йиллиги муносабати билан босма ОАВ, веб-сайт, телеканал ва радиоканаллар ижодкорлари учун ҳар бир йўналиш бўйича биттадан “Энг яхши журналистик материал учун” рағбатлан-тирувчи номинация жорий этилмақда.



## ШАХСИЙ ФИКР

# АДОЛАТ ТАРОЗИСИНИНГ ПОСАНГИСИ

### ёки янги тартиб: кимга “аза”, кимга “мазза”ми?

Ҳаммамизга яхши маълумки, ДТМ томонидан ўтган йилдан бошлаб иккинчи ва ундан кўп бора олий таълим муассасасига ҳужжат топшираётган абитуриентлар базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдоридан тўлов тўлаши белгиланган. Масала бир қарашда анча самарали кўринадди: яъни давлат бюджетидан ҳар йили тест жараёнларига сарфланадиган маблағ бошқа йўналишга ажратилади, тўлов жорий этиш орқали “таваккалчилар” сафи қисқаради, ДТМ жамғарма ҳисобидан ўзини молиялаштиради. Мутасаддилар таъкидлашганидек, замонавий технологиялар олиб келинади, мутахассислар чет элда малака оширади. Бу — яхши ўзгаришлар бўлади, дегани. Бироқ масаланинг “лекин”и ҳам бор. Бу ҳақда сал кейинроқ тўхталамиз...

Эътибор беринг: маълумотларга кўра, 2019-2020 ўқув йилининг ўзида олий таълимга 1,3 млн. атрофида абитуриент ҳужжат топширган. Уларнинг 700 миң нафардан ортиги биринчи бор ҳужжат топширган, қолган 500 миңдан ортигини ўтган йиллар давомида ОТМга kira олмаган ёшлар ташкил қилган ва улар белгиланган тўловни амалга оширган. Яқунда эса 53 млрд. сўм йиғилган.

### “ОШИНГ ХАЛОЛ БЎЛСА, КЎЧАДА ИЧ”...

Табиий савол туғилади: хўш, бу маблағлар нималарга сарфланади? Яқинда бўлиб ўтган брифингга ДТМ масъулларидан Сардор Ражабов бу маблағлар марказнинг жамғармасига келиб тушиши ва жамғармадаги пуллар нималарга сарфланиши алоҳида белгилаб қўйилганини аниқлади. Қолаверса, жамғарма маблағлари ҳисобидан ходимлар малакаси оширилган ва ДТМнинг моддий техник базаси янгиланган.

Маблағларнинг сарфланиши бўйича “Qalampir.uz” сайтыда эълон қилган маълумотга кўра:

- Энг тезкор принтерлар хариди — 840 млн. 870 миң 316 сўм;
- Китоб тикадиган воситалар хариди — 199 млн. 988 миң 154 сўм;
- Катта қувватли серверлар харид қилиш, уларни ўрнатиш ва ишга тушириш — 1 млрд. 204 млн. 206 миң 244 сўм;
- Бинолар ижараси учун — 1 млрд. 942 млн. 706 миң 950 сўм 18 тийин (Тошкент шаҳридаги бинолар бўйича);
- Гуруҳ назоратчилари иш ҳақи учун тўлов — 9 млрд. 14 млн. 745 миң 717 сўм 50 тийин;
- Гуруҳ назоратчилари учун тушлик сарфи — 763 млн. 374 миң 250 сўм;
- Мобил алоқа воситалари тўлқинларини тўсувчи қурilmalar хариди — 688 млн. 121 миң 120 сўм;
- Ичимлик суви хариди — 880 млн. 494 миң 710 сўм;

- Шарикли ручкалар хариди — 336 млн. 357 миң 552 сўм;
- Хизмат сафарлари учун тўловлар — 13 млн. 262 миң 39 сўм 14 тийин;
- Жами харажатлар: 15 млрд. 884 млн. 127 миң 52 сўм 82 тийин.

Бунда бошқа биноларнинг коммунал ва ижара тўловлари, бир ой мобайнида шартнома асосида жалб этилган ёлланма ишчилар, техник воситаларнинг шу даврда мунтазам ишлаб туришини назорат қилиш бўйича мутахассислар иш ҳақи қиритилмаганлиги айтилади. Шундай экан, маблағнинг қолган қисми қандай мақсадга йўналтирилгани кўпчиликка сирлиликка қолмақда.

### ИНГИЧКА УЗИЛАВЕРАДИ...

Пандемия сабаб бироз вақт қурилиш соҳасида ишладим. Кишлоқ хўжалиги, ҳамма ҳам ҳужжатларни онлайн топширишга тушунавермайдими. Бир томонда интернет сифатининг пастлиги...



## ОГОҲЛИК

# СИНОВНИНГ ШАҒҚАТСИЗ “ҲУКМ”ЛАРИ



Албатта, ер юзиде ҳозир кечаётган жараённи ҳеч қандай таърифларсиз ҳам ҳамма ҳис қилиб, тушуниб турибди. Балки кўпчиликнинг уйдан “Шунақаси ҳам бўлиши мумкин экан-да!” дегандек маъҳум андиша кечаётган бўлса, ажаб эмас. Негаки, манаман деган илмий марказлар, тафаккури тошни брадиган алломалар яқин 1-2 йилнинг эмас, ўн йилликларнинг, балки бутун бир асрнинг кифасини чизиб қўйганди, ҳатто лаҳзама-лаҳза кечадиган жараёнларнинг дарагини ҳам келтириб қўйгандики у маълумотларда бундай бўлиши тахмин ҳам қилинмаганди. Мутлақ ҳақиқат эса бошқа воқеликни рўбару қилди. Унинг хулосаси: “Ҳеч қачон яралмиш Яратувчидан ўзиб кета олмайди!” деган оддий таъкиддир, холос. Ҳар бир унсурда бир ҳикмат яширин, ҳар бир воқелик бир сабоқ; ютуқларидан эсанқираб қолган ва шу аснода ўзлигини йўқотган одамзотга шундай кунлар ҳам жоизмикан, деган аламли эътироф кечади кўнгилдан...

Ростдан, аламли. Юртимизда иқтисодий ўзгаришлар энди тезланиш олиб, унинг натижалари кўрина бошлаган, юрtdошларимизда ҳам танланган йўлнинг тўғрилигига ишонч мустаҳкамланиб улар эртани кунга ойдин умидлар билан қарай бошлаган эди. Шукроналар бўлсинки, гарчи силкинишлар рўй берса ҳам бу умид, бу ишонч сўнггани йўқ. Аксинча, пандемия шароитида қўрилаётган тезкор чоралар, уюшқоқлик, ташвишларни

бартараф этадиган кучларнинг шайлиги, уларни сафарбар қиладиган механизмнинг барқарорлиги вазиятни барқарор ушлаб туришга изн берди. Одамларнинг мустаҳкам таянчи, суянчи — ғамхўр раҳбари, ҳар қандай юмушни эплайдиган, халқи учун йўқни ҳам йўндирадиган давлати, ҳукумати борлигига ишончи ошди, қолаверса, фавақулда вазиятларда ҳам тезкор чоралар кўриб, халқаро ҳамжамиятнинг эътирофига сазовор бўлиш мумкинлигига ғувох бўлди. Албатта, балонинг кўлами, унинг хавфлилиги бепарво бўлишга йўл қўймайди. Давлатимиз зарур чораларни кўришдан чарчамапти, ер юзининг қайси нуқтасидан бўлмасин, янгидан яратилаётган тиббий воситаларни кечиктирмай етказиб келаяпти.



## КЕЧАМИЗ, БУГУНИМИЗ

# Абдулла Авлоний аслида ким эди?



Адабиёт аҳлининг ижодларини ўрганишда улар яшаган давр, замон талотўплари, яқинлари ҳақидаги маълумотларнинг аҳамияти катта, албатта. Айниқс, замона зайли билан уларнинг ҳаёти ва ижоди етарли ўрганилмаган ёки ўша давр талабига кўра таржимаи ҳолларига холос ва ҳаққоний ёндашилмаган бўлса.

Бу борада юртимизнинг мустақиллиги учун ҳаётларини қурбон қилган жадидчиларнинг ҳаёт йўли, асарларининг бадий талқини борасида илмий изланишлар олиб боришга эҳтиёж сезилади. Чор Россияси босқини, ундан кейинги коммунистлар сиёсати туфайли юртимиз тарихида қора из қолдирган кечаги ўтмиш ҳаққоний

ранглр билан бугунги ўқувчига етказилиши керак.

Миллат тараққиёти фақатгина иқтисодий ёки сиёсат ёки ташқи алоқалар билан боғлиқ эмас, балки маънавий, маърифат, тарбия билан чамбарчас боғлиқ эканлигини унутмаслик керак.



## ШУНДАЙ ДЕДИ

Пўлат БОБОЖОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири:



Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар, жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигининг либераллаштирилиши натижасида сўнгги ўн йилликда жазо мuddатини ўтаётган шахслар сони кескин қисқарди. Реал ҳолатга кўра, бугунги кунда жазони ижро этиш тизимидаги маҳкумлар сони 22,9 миң нафарни ташкил этиб, ҳар 100 миң аҳоли сонига нисбатан 67 нафар шахс тўғри келади.

(Манба: ЎЗА)



# “ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ”

1 Күрик-танловга 2019 йилнинг 15 августидан 2020 йилнинг 15 августигача бўлган даврда расман chop этилган адабий-бадий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телеканалларда эфирга узатилган материаллар, намоёиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 10 сентябрга қадар қабул қилинади.

Күрик-танлов ғолиблари 2020 йил сентябрь ойида тақдирланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Коронавирус пандемияси сабабли карантин қоидаларидан келиб чиқиб, танловга юбориладиган ижодий ишлар онлайн шаклда қабул қилинади.

Иштирокчилар (муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот; паспорт нусхаси; манзил ва боғлиқ телефонларини илова қилган ҳолда) ўз ижодий ишларини “Энг улуг, энг азиз” кўрик-танловига ҳамда “Энг яхши журналистик материал учун” номинациясига деб (номинация йўналишини) кўрсатган ҳолда куйидаги шакл ва форматларда tanlov2020@aimc.uz электрон почтасига ёки @tanlov2020 телеграм манзилга юборишлари лозим:

– ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари, босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари pdf форматда;

– оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган веб-сайтлардаги интернет-журналистика материаллари ҳаволалар (ссылка) кўрсатилган ҳолда;

– тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари JPG форматда;

– кино санъати асарлари AVI форматда google disk, yandex disk ёки бошқа виртуал ресурсларга юкланиб, ҳаволаси юборилади (мазкур ҳавола 30 кун давомида ишлаб туриши зарур);

– телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари mp3 ҳамда AVI форматда google disk, yandex disk ёки бошқа виртуал ресурсларга юкланиб, ҳаволаси юборилади (мазкур ҳавола 30 кун давомида ишлаб туриши зарур).

**Эслатма:** ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари битта китобдан, кино санъати асарлари битта тўлиқ метражли киноасардан, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ходимларининг материаллари, тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари учтадан кам бўлмаслиги лозим.

Кўшимча маълумот олиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг (71) 244-32-33 телефон рақамига мурожаат қилиниши мумкин.

# АДОЛАТ ТАРОЗИСИНИНГ ПОСАНГИСИ

## ёки янги тартиб: кимга “аза”, кимга “мазза”ми?

1 Икки йилгит мендан ёрдам сўрашди. Хужжатларини топширдик. Эртаси кун бошқалар ҳам худди шундай олдимига келишди. Хужжат топшириш учун тўлов ҳақида тўлиқроқ сўрашди. Айтдим белгиланган миқдорни. Улар кетишди, хужжат топширмай кетишди. Пули йўқлигидан кетишди. Бирини яхши танийман. Елғиз ўғил. Отаси вафот этгандан буюн рўзгор юки елкасида. Билимсиз, тавақалчилар эмас. Тўғри, кўшимча машгулотларга пул тўлаб қатнамаган, аммо мактабдаги таълимни пухта ўзлаштирган. Эҳтимол бу йилги тест саволларидаги осонлаштириш сабаб талаба бўла оларди. Аммо “арзиманг ярим баравар”да бир йилгитнинг имконияти чегараланди! Бир ҳафта давомида қурилишнинг оғир меҳнатида умри ўта бошлаган бир неча йилгитларни кўрдим. Шароити бори оғиринмай тўлайди, имкони йўғи дардини ичига ютади...



вақт ажратилди. Жамоатчилик бу вақт етмаслиги ҳақида ўринли фикр билдирганидан кейингина яна 1 соат кўшилди. Нима учун Марказ ходимларининг ҳеч бири бу ҳақда ўйлаб кўрмади?!

### “ГУМОН — ИЙМОНДАН АЙРАДИ”

Бу халқимизнинг нақлларидан бири. Нега гапни халқимизнинг хикматли нақлига бурдим. Чунки “ДТМга катта пул йиғилляпти. Кимларнидир чўнтагини қаппайтирмаса бўлгани”, — деган гумонлар ҳам йўқ эмас. Бу “гумон”лар табиий. Кунора коронавирусга қарши кураш учун ажратилган катта миқдордаги пуллар талон-торож қилингани ҳақида айрим ҳолатлар аниқлангани айтилляпти. Шундай мурракб вазиятда нафсини жиловлай олмаётганлар қанча... ДТМ жамғармаси ҳам нафси бўйига занжир осганларга дучор бўлмайди, деган умидда бўламиз.

Хулоса қиладиган бўлсак, халқнинг пули халқ манфаатига хизмат қилсин. Адолат тарозисининг посангиси тўғри турсин доим. Зеро, олий маълумотли кадрлар, энг аввало, ДТМ дарчасидан ўтади-ку. Шундай эмасми?

Рўзikuл ОЧИЛОВ, журналист.

## ҒАМХҲҮРЛИК

# Кўнгилларга чироқ ёқиб...


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июль кунги “Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламлари

рени моддий қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида асосан жойларда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари

яқиндан кўмак кўрсатилмоқда. Хусусан, Бешариқ туманида ҳам пандемия шароитида моддий ёрдам ва кўмакга муҳтож оилалар “Темир дафтар”га киритилган бўлиб, шундан 1874 та муҳтож оилга 1 миллиард 616 миллион сўм маблағ ажратилди.

Ҳар қандай яхшилик, меҳр-оқибат, табиийки инсон кўнглига чироқ ёқади. Бугунги пандемия туфайли синови кунларда халқимиз осойишталиги, саломатлигини ўйлаб давлатимиз раҳбарининг Фармони асосида амалга оширилаётган ишлардан кўнгликининг, айниқса, муҳтож оила вакиллари-нинг қувончи чексиз.

Собиржон ТЕМИРОВ, Бешариқ туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари.



## МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Дунёда жамики нарса-ҳодисаларнинг ўз таянч нуқтаси бор. Таянч нуқтаси бор бўлмаган нарсалар омонатдир. Элларнинг, дилларнинг, маконларнинг, замонларнинг ҳам ўз таянч нуқтаси бўлади. Улар ана шу таянч нуқтага асосланиб тараққий этади.

Шундай экан, ҳар бир давлатнинг, жамиятнинг ҳам ўз таянчи, суянч пойдевори бўлади. Мамлакатимизнинг меҳри дарё, бағрикенг, матонатли, қалби қайноқ кўли қадоқ заҳматқаш халқи ҳамда юртда ҳукмрон тинчлик, осойишталик туйғуси асосий таянч нуқтасидир. Жаннатмакон юртимизда ўз олдига улугвор мақсадлар қўйиб, кутлуғ ниятлар билан юқалиш сари интилаётган халқимизнинг таянчи — Раҳнамоси бор.

Аввало, халқни рози қилиш, бахтли, тўкин-фаровон турмуш барпо этиш, давлатимизни ривожланган мамлакатлар қаторида кўриш нияти ҳар биримизнинг орзунимиз, мақсадимизга айланмоғи керак.



# Ватансиз яшаб бўлмайди

Куч-қудратда тенгсиз Алломиш, Гўрўгли Бозирғону, Авазхону Ҳасанхонларнинг ватанпарварлик, мардлик ва матонатларини тараннум этувчи достонлари бор юрт, албатта, қудратли бўлади. “Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни йиқар” қабилидаги мақолларни келажак авлод онгига синдириб, боласининг қалбига юрт учун матонатни, халқ учун жасоратни жойлаб келган халқнинг ўзи бениҳоя қудрат манбаидир.

Элимиз илми улуглаб, олимни эъзозлаб, китобни муқаддас тутиб ўз фарзандларига ўқитари олган, уларнинг улуг аждодларига муносиб бўлишига даъват этиб келаётган халқ, Нафақат ўз фарзандларини жисмонан соғлом ва кучли бўлишини, балки, ақдан теран, тафаккур нуқтаи назаридан кучли, қудратли бўлишини орзу қилиб, ўзининг келажакни ана шу туйғулар билан боғлаган халқимиз бор.

Чинакам қудрат соҳиби бўлган эл улуг мақсадларни амалга оширади ва ўз фарзандларини вояга етказиб эл-юрт гами, кори, ишқи учун ёниб-қуйиб яшашига даъват эта олади. Куч-қудратнинг муҳим мезони ҳам ана шунда билинади. Ўзининг миллий ғояси, мустақиллик мафурасига эга бўлиши, унинг биринчи куч-қудратидир. Асрлар давомида Истиқлол, Озодлик шу халқнинг бирдан-бир орзуси бўлгани ҳам рост.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида шуни қомил ишонч билан айтиш мумкинки, халқимизнинг дунёқарши кенгайди, тафаккури, онгу шуури ўсди, янгиланди. Ўзгараётган Ўзбекистоннинг, янги Ўзбекистоннинг фуқароси бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Эндилкида у эргашувчи эмас, балки, эргаштирувчи халқ бўляпти. Чунки, ўз иродаси ва

мақсади томон интилган, ойдин орзуларининг рўёбини, меҳнатларининг самарасини кўришга интилган ватанпарвар фуқароларимиз чинакам бойлигимиз. Улкаимизнинг ер ости, ер усти бойлиқларию, фасллар бутлиги, қолаверса, эл дастурхонини беэзаб турган нозу неъматлар, аввало, Яратганнинг инояти, қолаверса, халқимиз заҳмати, меҳнати натижасидир.

Давлатимиз раҳбарининг саъй ҳаракатлари билан йўлга қўйилган беш босқичли Ҳаракатлар стратегияси, шунингдек, илгари сурилган 5 муҳим ташаббуснинг амалга оширилиши мустақиллигимизни мустаҳкамлашда дадил қадам бўлди. Рақамли иқтисодий ривожлантириш борасидаги изланишлар, янгиланиш ислохотлари ва бунёдкорлик ишлари кучимизга куч, қудратимизга қудрат қўшаётгани сир эмас. Бирдамлик ва ҳамкорлик тараққиётнинг муҳим омили эканлигини англаш асосида жаҳоннинг ривожланган давлатлари, айни пайтда, қўшни республикалар билан деярлик барча соҳаларда ўзаро ҳамкорликда иш олиб борилаётгани хайрли ва манфаатлидир.

Дуога қўл очган ота-боболаримиз ниятида, дўсту ёр, қариндошу кадронлар тилагида бир сўз марғур жаранглайди: “Элимиз тинч, юртимиз обод бўлсин!”. Биз ана шундай миллатмиз. Тилимизда, дилимизда эзгулик муҳжасам.

Давлатимиз раҳбарининг, энг аввало, халқимиз бахтли бўлиши керак, биздан рози бўлиши керак, деган даъватларида ҳам саодат маскани бўлган — Ўзбекистоннинг эртасини кўра оладиган донишманднинг нигоҳи, нуқтаи назари бор.

Тоғли вирус балоси юртимизга хавф солган пайтда, аҳиллик, меҳр-саховатли халқи-

миз тийнатида устувор эканини намоён этмоқда. Шу йўл билан халқимиз турли табиий ва ижтимоий офатларни ҳам енгишга қодир эканлигини исботлади. Халқимизнинг матонатли ва иродаси яна бир бор синодан ўта-япти. Бирдамлик, ҳамжиҳатлик улуг мақсадлар сари интилаётган халқимизнинг миллий тамойили, анъаналари мажмуаси. Биз бу пандемияни, албатта, енгамиз.

Албатта, ўз юртини кўз қорачигидек асраш Ватанпарварлик белгиси. Бу ватани жон ва тан ҳимоясидек азиз ва муқаддас тутиш, Ватани жондан ортик севиш демакдир. Инсон қўл-оёқсиз, ҳатто кўзсиз яшаши мумкин. Лекин Ватансиз яшаб билмайди. Чунки барча фазилатлар, бахт ҳам, орзулар рўёби, хурсандчилик, истиқболли режалар ҳам барчаси шу ватаннинг борлиги, тинч ва осойишталиги биландир. Киндик қон тўқил-гоң маконга мурожаат қилиш юракка яқинлик, қалбга осойишталик, кўнглига оромбахш туйғуларни бахш этади.

Ҳа, қалб кўри, кўз нури, умр сурури, кўн-гил гурури, ҳаёт ҳузури деган тушунчаларнинг моҳияти, она юрт билан боғлиқ эканлиги ҳақ. Халқимиз амаллар ниятларга, ниятлар амалларга яраша бўлишини яхши идрок этади. Шундагина қалби фахр-ифтихорга тўлиб, баралла овоз билан: “Сен қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистон!” — дейишга ҳақлимиз.

**Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,**  
**Маърифат тарғиботчилар жамияти аъзоси,**  
**Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти матбуот котиби.**

## ОҒРИҚ НУҚТАЛАР

# Етимни ҳимоясига олган жўмарддир

“Болалар жаннатнинг райхонларидир”, дейилади Ҳадиси шарифларда. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир оилани фарзанд неъматисиз мукамал дея олмаймиз.

### Фарғонада 7 ой давомида 180 нафар бола фарзандликка олинди

Жорий йилнинг 7 ойи давомида Фарғона вилоятида 50 миң 344 нафар чақалоқ дунёга келган бўлса, 2903 нафар болага оталик белгиланиб, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалар берилган. 854 нафар чақалоққа елғиз она аризасига асосан, хужжатларда ота ҳақидаги маълумотлар кўрсатилмаган ҳолда туғилганлик гувоҳномалари берилган.

Болажон халқимиз доимо фарзандли бўлиши беқияс бахт деб билади. Аммо, фарзанд кўришдан мосуво бўлган ва ёки турли ҳаётий сабаблар билан фарзанди йўқ оилалар ҳам бу муаммога адолатли ёчим топишга ҳаракат қилиши табиий. Ўтган 2019 йилда Фарғона вилоятида 205 бола фарзандликка олинган бўлса, жорий йилнинг 7 ойи давомида бу кўрсаткич 180 нафарга етди. Бу болаларнинг энди ўз оиласи, бошпанаси ва ғамхўрлик қиладиганлари бор. Бу, албатта, қувонарли ҳолат!

Бирок...

### Нега мамлакатимизда чақалок “савдоси” тўхтамаяпти?

Ичингиз қизмасин. Дарров айтиб қўяқолай! Бизнингча, бунинг энг асосий сабабларидан бири қонуний бола сақлаб олишда хужжатбозликлар ва бола асраш босқичларининг ҳаддан ортик кўпчилигиде бўлса керак. Халқимизда шундай доно гап бор: “Инсон доимо осонини танлайди...” Қонунларимизда белгиланганидек, ав-

вало, фарзандликка олиш сир сақланади. Бола асраб олмақчи бўлган оилалар, биринчи навбатда, васийлик ва ҳомийлик органларига мурожаат қиладди. Ушбу орган болани тарбиялашга олаётган оилани белгиланган муддатларда ўрганиб чиқиб хулоса беради. Яқуний хулосага келиш жараёнида бўлажак ота-она тиббий кўриқдан ўтади. Тиббий кўриқдан ўтиш жараёнлари қанча вақт ва қанча харажат талаб қилишини барчамиз яхши биламиз.

Шу билан бира, албатта, бўлажак ота-она қасддан одам ўлдирмаган, руҳан соғлом, норкологик ва психологик касалликларга дучор бўлмаган ва болага босим ўтказадиган даражада асаб касалликларини бошдан кечирмаган бўлиши шарт. Бу босқичлар ўз яқунига етган, асосий ишлар бошланади. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларга бола фарзандликка олаётган шахслар ариза билан мурожаат қиладди. Шу жараёнда васийлик ва ҳомийлик органлари ва прокурор судда боланинг манфаатларини кўзлаган ҳолда биргаликда иштирок этади. Агар бола 10 ёшдан ошган бўлса, унинг розилиги талаб қилинади. Агар бола фарзандликка олинаётган оилда тарбияланаётган бўлса ва бола сақлаб олинганлигини билмаса, унинг розилиги шарт эмас.

Ана шу босқичлардан ўтилганидан сўнг фарзандликка олиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори эълон қилинади. Суд ҳукми ижобий белгиланган тақдирда 10 кунлик муддат ичида янги ота-оналар ўз яшаш ҳудудидаги ФХД бўлимига мурожаат қилиб, болага янги гувоҳнома олишади.

Тўғриси, ушбу босқичларни ўрганаётиб мурракбликдан ўзининг ҳам бошим айланиб кетди. Узундан-узун хужжатбозлик, жараён ичидаги жараёнлар, югур-югурнинг

давомийлиги, бунинг устига ўртада кетган давр...

Албатта, васийлик ва ҳомийлик органлари, прокуратура боланинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, унинг бахтли келажак учун қайғуриши ўринли. Лекин мана шу жараёнларда иштирок этаётган шахслар қоғозбозлик ва сарсонгарчиликдан чарчаб, зерикиб, табиийки, осон ва қулай йўллари ҳам излашни бошлашади. Бу эса ноқонунийликка йўл очади...

...Замон шиддат билан ривожланиб бормоқда. Ҳамма қасдан инсон манфаатлари учун, деган тамойил бирламчи ўринга чиққани ҳам анча бўлди. Эндилкида ҳукумат вакиллари ҳам, фуқаролар ҳам янгича фикрлай бошлади. Фуқароларнинг қонуний йўл билан мақсад ва мудоаларга эришиши учун барча хужжатлар ва имкониятлар энг юқори даражада тақомиллашмоқда. Масалан, авваллари тадбиркорлик фаолиятини оила-йўлга йўлга қўя олмаётган, бир бошини минг эшикка уриб “ғурра” қилган тадбиркор бугун Давлат хизматлари марказлари орқали нари борса 20 дақиқада ҳисоб-рақам очиб, қонуна рўйхатдан ўтмоқда.

Бизнингча, бола сақлаб олишнинг қонуний жиҳатларини ҳам тамоман янгидан кўриб чиқиш, имкон қадар жараёнлар ва қоғозбозликни қисқартириш, бюрократик “тартиб-қоидалар”ни соддалаштириш фурсати аллақачон етган. Агар қонун ижодкорлиги билан шугулланувчилар, депутатлар мана шу мавзуга ҳам етарли эътибор қаратсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Элёржон ЭХСОНОВ,**  
**ДХА Фарғона вилоят бошқармаси Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар шўъбаси етакчи масlahатчиси.**









# СИНОВНИНГ ШАФҚАТСИЗ “ҲУКМ”ЛАРИ

1 Албатта, маълум худудда тарқалган юқумли касаллик — эпидемия, катта ҳудудларни қамраб олган пандемия азалдан инсоният бошига катта фалокатлар олиб келган. Одамзот бундай балонинг чечак (оспа), улат (тоун), вабо, “испанка” (чўчка гриппи) ва ОИТС сингари турларига рўбару бўлган. Ҳали тиббиёт ривожланмаган шароитларда бу иллатлар миллионлаб кишиларнинг умрига зомин бўлган, 20-25 йиллаб одамларни исканжада ушлаб турган, ҳатто, Африкадан келтирилган қора танлилар юқирган чечак туфайли Лотин Америкасида гуллаб турган инклар, афтерлар цивилизацияси барбод бўлиб кетганини кўпчилик билади. Бу коронавирус деган COVID-19 балоси бошқача келди. Табиий, ҳали инсоният оёқларида турмуш тарзига қайтади, бу кунларни соғиниб қолган табиий ҳолатлар билан таҳлил қилади, шунда, балки кутилмаган далиллар юзага чиқиб қолар, лекин нима бўлганда ҳам бу ҳолнинг пайдо бўлиши шу замон кишиларнинг шаққатлиги туфайли юзага келгани тасдиқлашни шубҳасиз. Алломалар фавкуллода ҳолатларнинг рўй беришида икки омилни таъкидлаб кўрсатганлар: руҳий омиллар, жисмоний омиллар. Жисмоний омил сифатида шундай таъбирга эга бўлган вируснинг табиатида (балки лаборатория шароитида) мавжудлиги далили қайд қилинса, руҳий омил сифатида кишиларнинг маънавий-ахлоқий ҳолати, маданияти, онглилик даражаси тарози палласига қўйилган. Ана шу кейинги омил пандемияни бартараф этишда ҳал қилувчи вазифани бажарган. Буни оддий қилиб тушунирсак: мана, мутахассис тавсия берди, бу тавсиялар чуқур илмий асосга эга. Балони даф этишнинг омивий тарзда қўллашадиган бошқа йўли йўқ. Ҳўш, шундай бўлгач, аҳоли қандай йўл тутуши лозим? Шақ-шубҳасиз, тавсияларга қатъий амал қилиши, атрофидаги вазиятга ҳам кўз-қулқ бўлиб, бунинг ба-жарилишини бошқалардан ҳам талаб этиши шарт. Ана шундай қатъий, қолаверса, ҳарбий ҳо-

латдагина пандемияни бартараф этиш мумкинлигини тажрибачилар тасдиқлаган. Қайд этдик, тарихда интисозисизлик, бошбошқоқлик туфайли қора чечак 26 йил давом этган ва оқибатда гуллаб турган тараққиёт кунякун бўлган. Бундай ҳоллар сабоқ бўлиши лозим. Фақат қатъий тартиб, чидам ва сабр — пандемияни енгишнинг синалган усуллари шулар. Умуман, ҳар бир киши халқимизнинг “Балодан — ҳазар!” деган пурмаъно ҳикматида амал қилса, мақсадга тезроқ восил бўлинади. Тарихда шундай воқеа бўлган экан. Пайгамбаримиз Мухаммад (с.а.в)га сидқидилдан хизмат қилган ва тирикчиликдаёқ ўн нафар жаннатий саҳобадан бири сифатида эътироф этилган Абу Убайда ибн Жарроҳ Шом (Сурия) валийси эди. Ул зотнинг хузурига халифа Умар (р.а.) ташриф бурюдиладар. Шу кунларда Шомда вабо тарқалган дарага бор эди. Валий халифага пешово чиқиш учун энг чеккадаги қишлоққа чиқади ва биринчи кўришиданоқ муҳим воқеа сифатида вабо тарқалганини айтади. Жамоада қандай йўл тутуши борасида иккиланиш пайдо бўлади. Ҳолбуки, бу ҳолнинг ечими Пайгамбаримиз таълимотларида мавжуд эди. Айнан шу ҳадисни ўз қулғи билан эшитган саҳоба Абдурахмон ибн Авф тақриб этилади ва ўшубу ҳадис қироат қилинади: “Қачон унинг бирор ерда борлиги ҳақида эшитсангиз, у томон борманг. Қачон сиз турган ерда у воқеъ бўлса, ундан қочиб чиқмангиз”. Бу талаб ҳозирги истилоҳ билан айтганда “карантин”нинг ўзи. Демак, унинг талабларига амал қилиш омон қилинади ягона йўли. Ҳўш пайтда худди шундай йўл тутилган. Мусохабадан кейин гарчи Шом аҳоли бу сафарни орзани кутган бўлсалар ҳам Умар (р.а.) Мадинага қайтиб кетдилар, дейилади тарихий манбаларда. Нақадар ибратли ҳолат!

Бугунги даврга келиб табобат жуда ривожланди, одамзотга қирин келтирган касалликлар жиловланди, ҳатто улар бутунлай йўқ бўлиб кетди, бироқ истисно тарихида, зарурат туфайли сабоқ бўладиган усуллар эскиргани йўқ. Негаки, моҳият

ўзгаргани йўқ — офат илм билан басма-бас хуфиёна белгиларини ривожлантиряпти, шу туфайли бир эпидемия бошқасига ўхшамайди. Шундай шароитда туб асос бўлган усуллар, масалан, карантин балони даф этишда дастлабки қадам ҳисобланади. Агар юртимизда кечаётган ташвишли ҳолат ва карантин талабларига риоя этиш манзарасини таҳлил қилсак, гўё одамларнинг соғлиги ўзига эмас, бировга (масалан, карантин қондаларига амал қилишни талаб қилаётган мутасаддига) керакдек. Ҳолбуки, касаллик ёпишса, жабрини ҳар кимнинг ўзи тортади, ташвишга ҳам қийин кишилари қолади. Шу оддий ҳақиқатни англаб етишга охиш кишига бошқа танбеҳ ортқица. Ана шундай ўринда одамларнинг шахсий маданияти, тушунчаси қай даражада эканлиги намоён бўлаёттир.

Юртимизда пандемияни жиловланган, балони даф этиш учун ҳамма чоралар кўриляпти. Бу юмуш давлат бошлигининг биринчи даражали ташвишига айланганини ҳар кун кўриляпти. Чора-тадбирлардан библи олиш қийин эмас. Ана шундай таҳликали шароитда ўзгаларнинг ташвишини ўзиники биллиб, тиним билмаётган зотларнинг саъй-ҳаракатлари, халқимиз қалнини кечаётган шу ватандан, шу оқибатли юртдан, унинг Йўлбошчисидан гурурланиш туйғуси гам-ташвишларни бартараф этишда руҳий мадад бўляпти. Қаранг, мухташам спорт ареналари, кўргазма иморатлари, давлат ташкилотларининг маъмурий бинолари шифохоналарга айлантириляпти. Қимматбаҳо дори-дармонлар келтириляпти. Буларнинг ҳаммаси коронавирусни бартараф этиш учун ҳеч нарса аямлаётганини кўрсатади. Энди “Саломга яраша алик” дегандек, бу фидоийликларнинг моҳиятини юртдошларимиз ҳам сезишлари, ўзларидан шунга яраша масъулият ҳис этишлари инсоний қарзидир. Негаки, “Қарс икки қўлдан” деганларидек, барча шароитни муҳайё қилиш, дори-дармонларни тўкиб ташлаш билангина мудаа ҳоли бўлмайди, аксинча, ҳар бир гамхўрлик унсур кишилар қалбида оқибат, андиша, миннат-

дорлик туйғуларини уйғотиши жоиз. Бундай фавкуллода ҳолатлар кўп нарсага синов ҳам ҳисобланади. Олайлик, ўроқ бир умр қозикда осилган туриши мумкин, фақат уни ишлатганда ўткирлиги ёки синиқ-чириганлиги билинади. Ҳозир ҳам ҳамма нарса синовдан ўтадиган палла. Вазиятнинг шафқатсизлиги шундаки, айна пайтда кимнинг кимлиги аниқ билиниб қоляпти. Пандемиянинг дастлабки даврлари — ҳали вазият изга тушмаган, очиги, гап нимадалиги ҳам аниқ бўлмаган пайтда дори-дармон, тиббий ускуналар билан чайқовчилик қилган юртдошларимизнинг тубан қилликлари узоқ вақт халқимизнинг эсидан чиқмаса керак.

— Қизик манзара, — дейди Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам шифохонасининг олий тоифали шифокори Зайниддин Чориев. — Одамлар ҳарорати кўрпани ёқиб юборадиган бўлиб, жон талашиб ётибди, унга зарури 18-20 минг сўмлик таблеткани 800 минг сўмдан сотиб туришибди. Алтекага келган дорини арзон нархда сотиб олганда, қайси бир тирқишларга яшириб, ўн-йигирма баравар сотаяпти. Бировнинг ҳаёти вазига даромад топаётган кимсалар уялмасмикан?!

Йўқ, уялмайди. Агар одамдаги энг оддий туйғу — уят ўлмаганда эди, бунчаликка борилмасди. Ахир халқнинг халқлиги, унинг қандай ишларга қодирлиги бошга ташвиш тушганда билинади-ку! Ёв бостириб келганда ўз юрдошини унга тутиб бериб, манфаат кўрган одам ким ҳисобланган? Албатта, хонин ва у қаттиқ жазога тортилган. — “Чет элга катнайдиган бир танишимиз вирус юқтириб олди, — дейди чилнолик Ором Мирзаев, — кисродод берадиган ускунани бир хусусий тижоратчидан 2200 доллар қараб олишга мажбур бўлдик. Мана, энди кўраямиз 200 доллар турар экан”. Бундай ҳол-



## ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилиши керак бўлган ислохотлар ҳақида кўп гапирилмоқда, бу Давлат раҳбари томонидан ҳам бир неча марта таъкидланди. Бу ислохотларни амалга оширишдан бош мақсад бир нарсага — халқнинг судларга ишончини мустаҳкамлашга, суднинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган.

# Китоб ўқийдиган судьялар ҳам бор

Айнан бу тизимга бўлган халқ ишончи адолат ва қонунийликка қай даражада амал қилинаётгани билан боғлиқ. Адолат ва қонунийлик устуворлиги соҳанинг мустақиллигини таъминлайдиган ҳужжатлар билан бирга менимча, ана шу соҳада ишлаётган ходимларнинг, демокким, судьяларнинг шахси билан ҳам чамбарчас боғланади.

Ўтган давр хулосаларидан гувоҳ бўлдики, судьяларнинг ҳалоллиги, ўз бурчларига, вазифаларига содиқлиги, зиммаларидаги масъулиятга муносабати, умуман, шахсий фазилати адолат ва қонунийликни таъминлашда асосий мезон экан. Демак, ўз-ўзидан адолат ва қонунийликнинг тўлақонли амалга оширилиши барибир судьяларнинг шахсига бориб тақалади.

“Қози адолатсиз бўлса, додингни кимга айтасан?!” — деган халқ нақли ҳам бунини исботлаб туради. Бунинг таъмаъносида халқнинг суд-ҳуқуқ соҳасига бўлган минг йиллик тажрибаси, хулосаси ётади. Гап шундаки, бутун бошли давлатнинг адолати, қонун усту-

ворлиги, умуман олганда, шу халқнинг давлатчилик соҳасидаги маданий онги даражаси айнан суддаги, демокким, судьянинг адолатга, қонунга муносабатига бориб тақалади.

Давлат раҳбари қайта-қайта таъкидлаётган айнан шу соҳага халқнинг ишонч ёки ишончасизлиги бутун бошли давлат меҳкисда қонунга муносабатини, демокким, давлатнинг маданий давлатчилик қиёфасини кўрсатиб туради. Инчунин, дунё тарихи ва халқаро тажриба судлар фаолияти ва улар чикарган ҳукмларга, айна пайтда, бутун бошли мамлакат, миллатнинг, давлатнинг адолатга бўлган хоҳиш-иродаси, маданий онг даражаси намоён сифатида қабул қилинаётгани бежиз эмас. Шунинг учун ҳам судьяларнинг шахсий қатъияти ва фазилати Президент томонидан олиб борилаётган ислохотларда катта эътибор қаратилмоқда.

Одатда судьялар билан бу соҳадан узоқ бўлган одамларни бир-бирига қўпичча уларнинг фаолияти билан боғлиқ масалалар яқинлаштиради. Ҳамид Бобоқулов билан мени эса адабиёт,

китобга муносабат қилинаштирган. Ҳамид ака чинакам адабиёт ихлосманди. Бугун ўзбек ва жаҳон адабиётида ўқишга арийдиган аксар асарларни ўқиб чиққан. Фақат ўқиб чиққан эмас, балки бу асарлар ҳақида ўз фикрига, кўтарилган муаммо ҳақида ўз қарашларига эга. Шунинг учун зиёлиман, деган ҳар бир киши бу асарларни ўқиши керак деб билади, шунга ҳаммани тарғиб қилади. Шу сабабли мен Ҳамид Бобоқуловни “Китоб ўқийдиган судья” дейман.

Бугун китоб ўқиш ноёб фазилат бўлиб қолган, дунё китоб ўқиганлар ва ўқимаганларга бўлиниб бўлган бир даврда китоб ўқийдиган, адабиёт ихлосманди бўлган судьялар ҳам борлиги одамни қувонтиради. Нима бўлганда ҳам адабиёт одамига ўзининг одам эканини эслатиб, ким бўлишидан қатъи назар, оёғини ердан уздирмай туради. Заминга оёғи тегиб турган одам, ҳар қалай, одамнинг кўзига қараб алдай олмайди, библи туриб ёвузлик қилмайди, оқни қора дея олмайди. Оқни қора демаслик эса су-



дьяларнинг энг муҳим фазилатларидан, шахс сифатидаги хусусиятларидан биридир. Ана шундай оёғи ердан узилмаган судьялардан бири, акамиз, Жиноят ишлари бўйича Қашқадар вилоят судининг судьяси Ҳамид Бобоқулов бугун кутлуг ёшда.

Ҳамид Бобоқуловни таниганимга йигирма йилча бўлди. Қизғин шундаки, шу йигирма йил ичиди Ҳамид ака билан деярли фақат адабиёт, адабиёт вакиллари ҳақида гапшишимиз. Ҳамид ака ҳазил аралаш: “Духтур билан судьяга ишларини тушмасин!” — дейди. Лекин у кишига барибир ишимиз тушади. Албатта, судья сифатида эмас, адабиёт ихлосманди сифатида, одамхон, гапшасангиз, баҳри дилнигиз очиладиган инсон сифатида. Чунки Ҳамид ака улфат, кўпни кўрган, кўпни кўрганларни билган, бу кўрганларидан ўзига хулоса қилган ва бошқаларга ҳам хулоса бера оладиган одам, бир марта суҳбат кўрган у киши билан яна бир чимдим суҳбат қилгиси келади, самимилигимдан завқ олади. Шу йигирма йил ичиди Ҳамид ака ҳар қандай дав-

рага файз олиб киришига кўп марта гувоҳ бўлдим.

Энг муҳими, Ҳамид ака Тошкентга келса, бу ердаги, Қашқадарёда бўлса, у ердаги давранинг ташкилотчисига, кай-вонисига, маслаҳаттўйига айланади. Тошкентга келганда, албатта, пойтахтдаги ҳамшаҳарларини, асосан, шoir-ёзувчиларни тўплайди, бир пиёла чой устида уларнинг кўнлига туғилган юрт руҳини олиб киради. Мабодо биронтасининг тоби бўлмаса, албатта, бориб кўриб, кўнглини кўтаради.

Етти-саккиз йил бурун бўлса керак, Наврўз арафасида Тошкентга келиб қолди. Бир-иккита ижодкорларни олиб, Абдулла Ориповни кўрган бордик. Абдулла ака ўшанда: “Ҳамид, сени кўрсам, Қашқадарёнинг даштларини кўргандай бўламан”, деганди. Кейинчалик Абдулла аканинг бу гапига жуда катта маъно борлигини сездим. Ушанда Абдулла ака шу битта таърифи билан худбинлик, лоқайдлик, меҳрчисизлик, оқибатсизлик, манфаатпарастлик, иккиюзламачилик фазилатига айланмаётган даврга истеҳзо қилиб, Ҳамид акани бутун бошли кенг даштга, шу даштга, оддий инсоний меҳрини, одамгарчилигини, самимилигини йўқотмай яшаб келаётган даштликларга ҳос бағрикенглик ва инсоний оқибатига ишора қилган экан.

Аканинг таржимаи ҳоли ҳам бошқалардан фарқлини турадиган даражада фақат яшил йўлдан иборат эмас. У мактабни олтин медаль билан битирган, аввал оддий ишчи бўлиб ишлаган, унинг нонини татиб кўрган. Кейин ҳуқуқшунослик соҳасида ўқиган. Институтни битирган ҳам парвози бирдан баланд бўлмаган. Отаси Мамадўст ота “ўзбек иши” деган тегирмон ичига тушиб қолган. Бу талаб Ҳамид аканинг тақдирига ҳам таъсир қилган. У анча йиллар ҳўжалиқда оддий ҳуқуқшунос бўлиб ишлаган. Отаси оқлангачина унинг ҳуқуқшунослик органларида ишлашига

йўл очилган. Шундан бери бу соҳада турли лавозимларда ишлади, ўзига бириктирилган вазифасини қўлдан келганча ҳалол бажарди. Шунинг учун ҳам икки марта вилоят судига судьяликка тайинланди, тухматлар, гайриқилкар қурбони бўлди, аммо ҳаммаша ўзининг қатъиятчилигини, ўзи учун ясаб олган адолат меъерларидан воз кечмади.

Умуман, Ҳамид аканинг касби нуқтаи назардан адолат ҳақида ҳам гапшашамиз. Адолат ҳақида аканинг ўзининг қатъий қарашлари бор. Бу қарашлар болалик тарбияси, отасининг ўғитлари, китоб ўқиб олган хулосалари асосида шаклланган.

“Мен ҳўкм қилишдан олдин ҳаммаша ҳўкми одам тақдири билан боғлиқ эканини унутмайман, — дейди баъзида Ҳамид ака. — Қонунийлик кўзи кўр. У фактларга суянади. Аммо факт деб, унинг ортида турган қонунга зўрпа ёпиштирилган манфаатларни кўрмаслик, эътибор бермаслик, кўриб билимасликка олиш судьянинг кўр-лигини билдиради. Судланувчи агар ўзига адолат билан ҳўкм чиқарилганини ҳис қилса, унинг жамиятга қайтиши, қонунни ҳўрмат қилиши осон бўлади. Чунки суд ҳўкми судланувчи учун жамият ва қонун ҳақида аниқ амалий тасаввур беради. Шу ҳўжати ҳўкм ўқиш жуда масъулиятли. Ҳўкмида фақат қонун нуқтаи назаридангина эмас, судланувчи наздида ҳам адолат қилинганга тан олинishi биллиб туриши керак. Ана шундагина адолат бери томонликка бўлмайди, шунда айбдор ўз айбини ҳис қилади, қонунга, давлатга ҳўрмати ошади”.

Бу гаплар Ҳамид Бобоқулов бугунги кўнда суд соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг тўб моҳиятини, адолат тарозусининг масъулиятини теран англаганидан дарак беради.

Назар ЭШОНҚҮЛ.

Ҳаким САТТОРИЙ



